ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.02/30.12.2019.B.79.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ҚЎЧҚАРОВА ЧЎЛПОНОЙ ХАБИБУЛЛАЕВНА

КОММУНАЛ- МАИШИЙ ОҚОВА СУВЛАРНИ БИОЛОГИК ТОЗАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

(*Андижон шаҳри мисолида***)**

03.00.10. –Экология

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2020 йил

УДК: 577,022 (576,18)

Биология фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Қўчқарова Чўлпоной Хабибуллаевна
Коммунал- маиший оқова сувларни биологик тозалаш технологиясини такомиллаштириш. (*Андижон шаҳри мисолида*).....

Кучкарова Чулпоной Хабибуллаевна
Совершенствование технологии биологической очистки коммунально-бытовых вод (на примере города Андижан)……..

Kuchkarova Chulponoy Habibullaevna
Improving the technology of biological treatment of municipal waste water (for example Andijan)……

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of publications……

ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.02/30.12.2019.B.79.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ҚЎЧҚАРОВА ЧЎЛПОНОЙ ХАБИБУЛЛАЕВНА

КОММУНАЛ- МАИШИЙ ОҚОВА СУВЛАРНИ БИОЛОГИК ТОЗАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

(*Андижон шаҳри мисолида***)**

03.00.10. – Экология

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/B344 рақами билан рўхатга олинган

Диссертация Андижон Машинасозлик институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.aknuk.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Исмоилходжаев Боходирходжа Шарипходжаевич**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий аппонентлар: **Тожибоев Қўлдашали Тожибоевич**
биология фанлари доктори, профессор

Матжанова Холида Казакбаевна
биология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: **Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.02/30.12.2019.B.79.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» __ соат__ даги мажлисида бўлади. (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Бердақ шох кўчаси 41, институт кичик мажлислар зали.Тел: (+99861) 222-96-72, (+99861) 222–17–44, факс: (+99861) 222-17-44, e–mail: aknuk@.uz.

Диссертация билан Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» __ да тарқатилди.
(2020 йил «___» ___ даги №____ рақамли баённомаси).

Аимбетов Нагмет Каллиевич
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
академик, и.ф.д., профессор

Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.PhD

Тлеумуратова Бибигуль Сарибаевна
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзуси долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги вақтда бутун дунёда биологик тизмларнинг барқарорлик ва турғунлик муаммолари илмий, иқтисодий ва сиёсий йўллар билан хал қилинмоқда. Бу эса ўз навбатида экологик холатни яхшилаш, биохилма-хилликни бойитиш табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш заруриятини туғдиради. Натижада сувдан унумли фойдаланиш ва оқова сувларни қайта ишлаб чиқариш учун зарур бўлган сув сарфини турли хил органик бирикмалардан тозалаш ва ифлосланишини камайтиришда юксак сув ўтларидан фойдаланишни назарий ва амалий ахамиятини касб этади.

Дунёда табиий сув ҳавзаларини ифлословчи органик моддалар ҳолатини диагностик методологиясини ишлаб чиқиш ва уларни тозалашда, асосий компоненти сифатида юксак сув ўтлари турларидан фойдаланиш, турларнинг табиий ва антропоген экотизимларини мавжудлиги ва фаолиятини белгиловчи омил бўлиб иштирок этишини аниқлаш бўйича кўп илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада юксак сув ўтлари турларининг оқова сув муҳитида ўсиши ва ривожланишини аниқлаш, табиий муҳит ҳолатини баҳолаш тадбирларини ишлаб чиқиш, ҳамда экологик мониторинг қилишни тақазо этмоқда.

Республикада турғун ривожланиш ва табиий сув ҳавзаларини биохилма- хилликини сақлаш бўйича амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида Андижон вилояти ҳудудидаги табиий сув ҳавзаларини биохилма-хилликини сақлаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишдаги муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш” бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, коммунал-маиший оқова сувларини биологик тозалашда замонавий усуллардан фойдаланиш ва уларнинг муҳитини табиий ва антропоген ўзгаришларда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, очиқ сув ҳавзаларини ифлосланишини камайтиришда қўллаш мақсадидаги самарали усулларини ишлаб чиқиш катта илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғриси” ги Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2910 сон “2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида” ги ҳамда шу соҳа бўйича қабул қилинган бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда [1]

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғриси” ги Фармони

белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотини муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг асосий устивор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг V.“Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устивор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва унинг муҳофаза қилишнинг асосий йўлларидан бири-саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва маиший-коммунал тармоқлардан чиқадиган оқова сувларни биологик тозалашни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of British Columbia (АҚШ), Institute for Environmental Science (Австралия), Institute for Environmental Science and Research-ESR (Янги Зеландия), University of Bergische Gesamthochshule Wuppertal (Германия)ларда[2] амалга оширилмоқда.

МДҲ мамлакатларида оқова сувларни тозалашни бир неча усуллари назарий ва амалий муаммоларига бағишланган кенг кўламдаги тадқиқотлар амалга оширилган (Гаслина ва бошқ., 1961, Sidel, 1946; Pell M, 2008, Mendoza G, 2010 ва бошқ.). Мутахасислар илмий тадқиқотлари натижасида оқова сувларни биологик тозалашда турли микроорганизимлар, сув ўсимликлари ва юксак ўсимликлардан фойдаланиш бўйича уларнинг морфологиясини янада кенгроқ ўрганиш, тур кўпайиши, озуқавий муҳитга иқлим шароитига мослашувчанлигини янада кенгроқ ўрганиш, минтақавий ҳамда глобал тадқиқотлар даражасида ўрганишга муҳим ҳисса қўшади (Мережко, 1977, X.Zhang, 2008, Huang Ch, 2017 ва бошқ.).[3] Илмий тадқиқотлар қатори, республикамизда амалга оширилган илмий изланишлар ва тажрибалар асосида Шоякубов Р.Ш., Ҳайдарова, Джуманиёзова, Хасанов, Бўриев, Хаитов ва кўплаб бошқа муаллифлар илмий йўналишларида сув ўсимликлари морфологияси, анатомияси, систематикаси ва уни ўстириш услублари халқ хўжалигида қўлланиши ҳамда экологиясига доир қатор тадқиқот ишлари келтирилган. Коммунал-маиший оқова сувларни тозалаш усуллари экология доирасидаги кўп йиллик тадқиқот тажрибаларига қарамасдан, олимларнинг бу мавзуга бўлган қизиқишлари ўз долзарблигини ҳозирги вақтгача йўқотмаган. Маълумки хар бир худудаги, оқова сувлар ўзига хос физик-кимёвий хусусиятларига эга бўлиб, Андижон вилояти шароитида тўлиқ тадқиқ қилинмаганлиги учун Андижон шаҳар “Оқова

[2] http://.treatment technologies in wastewater treatment plants//University/pub.php
[3] Pell M; Wörman A. Biological Waste water Treatment Systems//Science Direct. Encyclopedia of Ecology, 2008;

Сувларни Тозалаш Иншооти” да коммунал-маиший оқова сувларини биологик тозалаш усулида юксак сув ўтларидан фойдаланишни ўрганиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация ишининг бошқа илмий-тадқиқот ишларининг режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон машинасозлик институтининг илмий тадқиқот ишлар режасининг №1/1- сон “Андижон шаҳар Коммунал маиший оқова сувларини биологик тозалаш технологиясини такомиллаштириш” (2017-2019 йй) хўжалик шартномаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 июндаги ПҚ-1378-сонли қарорига асосан “ Андижон шаҳри сув тармоқлари ва оқова сувлар иншоотларни тозалаш реконструкция қилиш” лойиҳаси бўйича қилинган ишлари ҳамда юксак сув ўсимликларини сув тозалаш иншоотидаги самарадорлиги тўғрисида (2016 йил 26 октябр), Ўзбекистон Республикаси ФА Ботаника боғи билан (2016 йил 22 мартда) №15 сонли шарномаси амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Андижон шаҳар коммунал- маиший оқова сувларни тозалаш усулларини такомиллаштириш орқали юксак сув ўсимликлари (пистия, эйхорния ва азолла) каби турлари ичидаги чидамли навини танлаб, оқова сувларни биологик усул билан тозалашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Андижон шаҳридаги коммунал-маиший оқова сувларни физик-кимёвий хусусиятларини таҳлил қилиш;

оқова сувларни турли концентрцияларида лаборатория шароитида пистия, эйхорния, азолла юксак сув ўсимликларининг ўсиши ривожланиши, ҳосилдорлиги ва тозаланиш даражасини ўрганиш ва истиқболли турини ажратиб олиб, оқова сув тозалаш иншоотида қўллаган ҳолда фойдаланиш имкониятларини баҳолаш;

тозалаш иншоотидаги биологик ҳовузларга тавсия этилаётган пистия (Pistia stratiotes L), сув ўсимлигини ўсиши, ривожланиши, морфологияси ҳосилдорлиги ва таркибидаги зарарли моддаларни аниқлаш;

оқова сувларни тиндиргич ва биологик ҳовузларда тозаланишда кириш ва чиқиш сифати ҳолатларини таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш шароитида биологик технологиянинг такомиллаштириш имкониятларини баҳолаш;

оқова сувларни биологик тозалашнинг иқтисодий самарадорлигини бахолаш ва ишлаб чиқаришга тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти: Андижон вилояти Андижон шаҳар “Сув Оқова” Давлат Унитар Корхонаси “Сув Оқова Тозалаш Иншооти” биологик ҳовузларида етиштирилган пистия кўчатлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, ўрганилаётган коммунал-маиший, оқова сувлар таркибидаги бирикмалари миқдори бўйича таҳлиллар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида, экологик, биологик, физик-кимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Андижон шаҳар коммунал- маиший оқова сувларни биологик тозалаш усули орқали юксак сув ўтларидан фойдаланиш мавжудлиги аниқланган;

оқова сув муҳитига чидамли бўлган сув ўти тури тадқиқот натижалари фойдаланишга тавсия қилинган методик ёндашувларга асосланиб танлаб олинган;

оқова сувларни таркибидаги нитрат, нитрит, азот аммоний, хиди, ранги, ишқорлилик ва кислоталик муҳити, ёғлар каби моддалар миқдори камайганлиги аниқланган;

илк бор оргоно-минералларни 70-80% тозалайдиган пистия (*Pistia stratiotes L*) турининг хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

диссертация иши натижалари асосида Андижон вилоятининг шаҳар коммунал-маиший тармоқлардан чиқадиган оқова сувларни таркиби ўрганилиб, уларни тозалаш мақсадида юксак сув ўтлари чидамли турини танлаб олиниб оқова сувларни оргоно-минерал тозалашга эришилган холда очиқ сув ҳавзалари ифлосланишини олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

Андижон шаҳрининг коммунал-маиший хўжаликлардан чиқаётган оқова сувлар таркибидаги захарли моддалар сифати ва миқдорини комплекс таҳлили ҳолати бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

коммунал-маиший оқова сувларни биологик тозалаш натижалари билан руҳсат этилган меъёрлар муофиқлиги ҳолати бўйича умумий таҳлиллар амалга оширилиб тавсиялар ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги оқова сувларни тозалаш Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қабул қилинган замонавий классик методлар ва тадқиқотнинг тан олинган стандарт услубларининг қўлланилиши, олинган натижаларнинг тан олинган муаллифлар анологик тадқиқотлари натижалари билан муофиқлиги ҳамда диссертацион тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти коммунал-маиший оқова сувларини тозалашнинг муоммоларини ўрганиш, биологик тозалашнинг мавжуд илмий тасаввурларини кенгайишини ҳамда Андижон шаҳар коммунал-маиший оқова сувларини антропоген шароитдаги ифлосланишини камайтиришда юксак сув ўтлари биохилма-хиллигидан фойдаланишни назарий ва амалий муаммоларни ечишни таьминлаши билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, олинган хулосалар ҳамда оқова сувларни биологик тозалашда очиқ сув ҳавзаларини ифлосланиши олди олинади. Бу эса экология ва атроф-муҳитга, инсонлар саломатлигига салбий таъсирини камайтирди. Андижон вилоятининг Қорадарё очиқ сув ҳавзалари микрофлоралари ва микроорганизимларни қайта тикланишига илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Коммунал-маиший оқова сувларининг биологик тозалаш технологиясини такомиллаштириш (Андижон шаҳри мисолида) бўйича олинган илмий натижалар асосида:

оқова сувларни биологик тозалаш усули Андижон вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасида коммунал-маиший ва саноат-корхоналардан чиқаётган оқова сувларни миқдори, таркибидаги нитрат, нитрит, азот аммоний, куруқ қолдиқ, муаллақ моддаларни камайтиришда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давалат қўмитасининг 2019 йил 12 июньдаги 02-02/8-365-сон маълумотномаси). Натижада "Сув Оқова Тозалаш Иншооти" ининг биологик ҳовузлари ва тиндиргичлардаги оқова сувларнинг биологик усулда тозалаш кўрсаткичлари сифатлилик даражасига эришиш имконини берган;

оқова сувларнинг таркибини ва тозалаш самарадорлигини алоҳида эътиборга олган ҳолда, юксак сув ўтларидан эйхорния, пистия, аззолла турларининг чидамлигига кўра танлаб олинган пистия Андижон вилояти "Сув Оқова" ДУК, Андижон шаҳар "Сув Оқова" филиали, Андижон шаҳар "Сув оқова тозалаш иншооти"ининг биологик ҳовузларга босқичма-босқич экишга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давалат қўмитасининг 2019 йил 12 июньдаги 02-02/8-365-сон маълумотномаси). Натижада оқова сувларни тозалашни капитал харажатларини ва электр энергиясини ҳамда оқова сувни зарарсизлантиришда қўлланиладиган хлор моддасини тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 11 та жумладан, 2 та ҳалқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола, жумладан 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертация таркиби ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулосалар фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусини долзарб заруриятига асосланган, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва

амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий ахамияти очиб берилган бўлиб, амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация **“Турли оқова сувларни тозалаш технологиясини назарий асослари ва муаммолари”** деб номланувчи биринчи бобида; оқова сувларни тозалашнинг бир нечта усуллари илмий асосига доир масалалар ёритилган. Турли хил таркибдаги коммунал-маиший оқова сувлар жамият тараққиётини ривожланиши натижасида захарли моддаларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Оқова сувларнинг тозалашда юксак ўсимликлардан фойдаланиш самарадорлиги, шунингдек сунъий оқова сувларини тозалашнинг аэорация усули сув тозалаш иншоотларида химик, гидробиологик ва бактериологик назорат қилиш усуллари мукаммал равишда биологик таҳлили экологияга таъсир кўрсатишини илмий асослаб берган (Дипдон., 1887 йил).

Диссертациянинг **“Оқова сувларни тозалаш обеъкти, материал ва методлари”** деб номланувчи иккинчи бобида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тадқиқот объекти, материаллари ва тадқиқотнинг методик услублари тақдим қилинган. Тадқиқотларимиз 2016-2019 йилларда Андижон вилоятининг Андижон шаҳар “Сув Оқова Тозалаш Иншооти” Давлат Унитар Корхонаси биологик ҳовузларида етиштирилган пистия кўчатлари танланган. (1-расмга қаранг).

1-расм. Андижон вилояти Андижон шаҳар “Сув Оқова Тозалаш Иншооти” ДУК ҳудудидаги тадқиқот олиб борилган жойлар

Юксак сув ўсимликларини ҳусусиятлари бир-бирига ўхшашдир. Улар ўзларидан вегататив йўл билан кўпайиб боради. Совуққа чидамсиз бўлиб, оқава сувларни биологик тозалашда биофильтр вазифасини бажаради. Ушбу сув ўсимликларини зовур сувларни тозалашда ҳам ишлатиш мумкинлигини кўрсатиб берганлар (Бўриев ва бошқалар 2009).

Илмий тадқиқот ишларини бажаришда Андижон вилоят “Сув Оқова” ДУК оқова сувларни тозалаш иншоотида оқова сувларини, юксак сув ўсимликлари ёрдамида биологик тозалаш услубни кўллаш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси ФА Ботаника боғи билан 2016 йил 22 мартда 15-сонли шарномаси тузилди ва асосий объект сифатида Андижон шаҳар маиший коммунал оқова сувларини биологик тозалашда юксак сув ўсимликлари эйхорния, азолла ва пистиялардан фойдаланилди.

Ҳозирги вақтда Андижон шаҳар Сув Тозалаш Иншоотида коммунал маиший оқова сувлар тозалангандан сўнг Қорадарёга ташланади. Бунинг натижасида очиқ сув ҳавзалари, балки ер ости сувлари хам турли хил оргоно-минерал моддалар ва патоген микроорганизмлар билан (ичак таёқчалари бактериялари) ифлосланади. Очиқ сув ҳавзаларини ифлосланиши атроф-муҳит ва инсон саломатлигига бевосита ўз таъсирини кўрсатиши аниқланган.

Коммунал-маиший оқова сувларни тозалашнинг механик, биологик ва кимёвий усуллари кенг ёритилган бўлиб, оқова сувларни кириш ва чиқиш ҳолатлари, таркибини таҳлили ўрганилиб, тадқиқот худудидаги сувнинг ҳарорати, ҳиди, ранги, физик-кимёвий таркибини лаборатория тажрибаларида қайд этилган.

Диссертациянинг **“Пистия (Pistia stratiotesL) ни ўстириш ёрдамида Андижон шаҳар коммунал-маиший оқова сувларини биологик тозалаш технологияси”** деб номланувчи учинчи бобида коммунал маиший оқова сувларни биологик усулда жадал тозалаш мақсадида тажрибалар ўтказилган. Юксак сув ўсимликлари пистия (Pistia stratiotes L.), каролина азолласи (Azolla caroliniana Willd.), эйхорния (Eichhornia crassipes Solms.) ни ялпи кўпайтириб, уларнинг ёрдамида оқова сувларни турли хил оргоно-минерал моддалардан тозалаш мақсадида лаборатория шароитида Андижон шаҳар “Сув Оқова Тозалаш Иншооти” да илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш натижасида коммунал маиший оқова сувларни анъанавий тозалаш усулларига нисбатан бир неча бор биологик тозалаш технологиясини жадаллаштириш мумкинлиги аниқланди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Андижон шаҳар “Сув Оқова Тозалаш Иншооти”даги оқова сувларни физик-кимёвий таркибини ўрганиш ва тахлил қилиш даврида очиқ сув ҳавзаларидаги сувларни сифатини аниқлаш мақсадида Қорадарё сув ташламаси манбасига 7 та сув назорат постлари ўрнатилган. Бу постлардан ҳар чоракда вилоят Гидрометериология станцияси, Давлат санитария ва эпидемология маркзи ва табиатни мухофаза қилиш қўмитаси томонидан мунтазам равишда назорат ва тахлиллар мониторинги олиб борилади. Таҳлил натижаларига кўра Қорадарё сувларида 2010-2017 йиллар давомида меъёридан ортиқ ингредиентлар аниқланган. 1 к/м^3 тоза ичимлик сув учун 280 сўм, 1 к/м^3 оқова сув учун 230 сўм миқдорига саноат корхоналар ва аҳоли турар жойларидан компенсация тўловлари ундирилади. Рухсат этилган мёърдан ошган моддаларни ташлаётган корхоналар учун компенсация тўловларига қўшимча равишда жарималар солинади.

Андижон “Оқова Сув Тозалаш Иншооти” оқова сувларни физик-кимёвий таркибини тахлил қилар эканмиз, саноат корхоналардан чиқаётган оқова сувларни 2010., 2011., 2012., 2013., 2014., 2015., 2016., 2017 йиллар мобайнида РЭМ дан ошган зарарли моддалар билан ифлосланганиш даражаси (1-жадвал ҳаволада келтирилган).

2010-2017 йилигача бўлган давирдаги оқова сувларни тозалаш ишларида саноат корхоналарни кескин суратларда ривожланиши қўшимча корхоналарни ишга тушиши ва аҳолини кундалик эхтиёжлари учун зарур бўлган сув ресурслардан меъёридан ортиқ фойдаланиши натижасида оқова сувларни миқдори ва таркибидаги ингдрентларни энг юқори ифлосланиши 2011- 2015 йилларга тўғри келади. РЭМ дан ошиб кетиш ҳолатлари очиқ сув ҳавзасини ифлослантиради. Нитрат ва нитритлар бўйича оқова сувларни ифлосланиши 2013 йилда юқори даражада РЭМ дан ортиб кетган ва 2015 йилги маълумотларга қараганда моддалар миқдори анча камайганини кўриш мумкин.

1- жадвал

Андижон шаҳар “Сув Оқова Тозалаш Иншооти”нинг 2010-2017 йиллар бўйича РЭМ ошган ҳолдаги таҳлиллари (мг/л)

Йиллар	Муаллақ моддалар	pH	NH_4	NO_2	NO_3	P_2O_5	Сулфать	ХПК	БПК5
2010	30,2	7,5	2,5	10,2	1	8,5	126,8	47	18
2011	30,5	7,7	4,8	10,7	1	8,3	143,8	47,2	17
2012	30,7	6,2	4,5	10,2	1,2	8,6	132,8	47,1	19
2013	30,8	6,5	5,3	10,2	0,9	8,7	125,5	47,5	15
2014	31	6,0	5,1	10,5	0,9	8,2	135,5	47,4	14,2
2015	31,3	7,2	4,9	11,6	1,2	7,1	144,0	47,6	15
2016	31,2	6,6	5,5	11,2	0,8	7	138,8	47,5	18
2017	31	6,8	4	10,8	0,6	7	122,3	47,3	17

Бизнинг иқлим шароитимизда пистия ва эйхорния манзарали ўсимлик сифатида Ботаника боғлари ва ҳаваскор балиқчилар томонидан эса аквриумларда ўстирилади. Табиий симбиотик тизимлардан бири азолла ҳамда унинг танасида жойлашган кўк-яшил сув ўти – анабаенадан иборат ҳамжихат (симбиоз) организимдир. Мавсумга боғлиқ ҳолда юксак сув ўсимликлари апрель ойининг иккинчи ярмидан очиқ сув ҳавзаларига экиш тавсия этилади. Бунда лаборатория шароитида ўсиши ва ривожланиши динамикаси июнь, июль, август ойларида юқори даражада кузатилади.

Сентябр, октябрь ва ноябр ойининг охирларида ўсиш динамикаси пасайиб қурий бошлайди. Натижада ҳавони кескин даражада пасайиши оқибатида ўсиш фаолиятини тўхтатади, қиш ойларида эса лаборатория шароитида пластмасса латокларга кўчириб сақлаш лозим.

Олиб борилган лаборатория шароитида азолла, эйхорния, пистия сув ўтлари оқова сувларни суюлтирилган вариантларида морфологик кузатувлар, биомассаларини тортиш орқали ўсиш динамикасини мунтазам 10-кун давомида кузатиб борилди. Натижаларга кўра:-азолла 10- кун ичида энг юқори ўсиш динамикаси морфологик кузатувлар жараёнида оқова сувлар юқори концентрациядаги озуқа муҳитига мослаша олмай барглари сариқ рангга кира бошлади, биомассаси 337 г, 50% ли суюлтирилган вариантда ташкил этди. Азолла кўпроқ оқова сувлар таркиби минерал моддалардан иборат бўлган жойларда яхши ривожланар экан; -эйхорния 10- кун ичида юқори ўсиш динамикаси биомассаси 420 г, 50 % суюлтирилган вариантда ташкил этди ва морфологик кузатувлар давомида 75% ли вариантда яхши ўсиб ривожланди, аммо 100% ли оқова сув озуқа муҳитида ривожланиши пасая бошлади ареални эгаллай олмади; эйхорния сув ўсимлиги тадқиқот олиб бораётган объект оқова сувларини биологик тозалаш шароитига мос эмаслиги аниқланди;-пистия 10-кун ичида юқори ўсиш динамикаси биомассаси 500 г, морфологик кузатувларда ўзгариш юқори даражада ўсиш 100% суюлтирилган концентратцияда аниқланди. Пистия сув ўсимлиги оқова сувлар озуқа муҳитига тез мослашди ва кўпая бошлади.

Тадқиқот натижаларига кўра коммунал-маиший оқова сувлар озуқа муҳитига чидамли тур мослашувчанлиги, юқори концентрацияда тез ўсиб ривожланиши динамикасини кузатган ҳолда юксак сув ўсимликлари турлари пистия (Pistia stratiotes), эйхорния (Eichhornia crassipes Solms), азолла (Azolla coroliniana Willd) ўсимликларидан биз биологик тозалашда пистия (Pistia stratiotes), ни илмий жихатдан мос эканлиги ва лаборатория шароитида кўпайтириш ва ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Пистия (Pistia stratiotes L) кўчатларини етиштириш Ўзбекистон Республикаси Тошкент Ботаника боғи билан 2016 йил 22 мартда №15 сонли шарномаси орқали олиб келинган сув ўти пистия (Pistia stratiotes) Андижон вилояти Андижон шаҳар “Сув оқова” Давлат Унитар Корхонаси, Андижон шаҳар “Сув Тозалаш Иншооти” нинг илмий-тадқиқот лабораториясида тажрибалар ўтказиш учун кўчатларни етиштириш мақсадида тўртбурчак пластмасса латокларда ва плёнка билан ўралган биологик ҳовузларда минерал озуқа бериб, 20-25 градус харорат ва 5-10 минг люкс ёруғликда ўстирилди (2- расмга қаранг).

2-расм. Лаборатория шароитида плёнка остидаги биологик ҳовузларда пистия уруғларини етиштириш жараёни

2016-2017 йиллар давомида иншоотга оқова сувлар келиб тушаётган биологик ҳовузларда экиш ишлари олиб борилган. Морфологик кузатувлар шуни кўрсатадики биологик ҳовузларда кўпайтирилган пистия сув ўти 2-3 кун давомида вегетатив йўл билан кўпая бошлади, 15-20 кун давомида ареални эгаллаб биомассаси юқори даражадаги кўрсткичларда ўсиб кўпайди. Бу эса тозалаш иншооти ишга тушган вақтда ҳам қўшимча равишда тозалаш имконини беради.

Диссертациясининг **"Андижон шаҳар коммунал-маиший оқова сувлар таркибининг таҳлили"** деб номланувчи тўртинчи бобида "Сув Оқова Тозалаш Иншооти" биологик ҳовузларидаги оқова сувнинг пистия экишдан олдинги ва кейинги физикавий ва кимёвий таркибини ўзгаришини фарқи таҳлиллар ўтказилди. Оқова сув тажрибага тайёрланиб бўлгандан кейин, унинг физикавий хоссаси ва кимёвий таркиби аниқланди. Уч хил вариантда тайёрланган оқова сувларга пистия ўсимлиги 150 г/м^2 ҳисобида экилди. Оқова сувларнинг физикавий ва кимёвий таркибининг ўзгаришини ўрганиш мақсадида тажрибалар ёнида назорат сифатида ҳар бир вариант учун тайёрланган оқова сувлардан ҳам қўйилди. Лаборатория шароитида экилган пистияда, яъни тажрибанинг биринчи кунида, унинг марфологиясида хеч қандай ўзгариш кузатилмади. Яшил ҳолатда ўса бошлади. Тажрибалар 10 кун давом этди. Шу вақт ичида пистия ўсимлигида ўсиш юқори, ривожланганлиги кузатилди. Тажрибаларнинг охирида уларнинг умумий хосили биринчи вариантда 420 г/м^2, иккинчи вариантда 460, г/м^2 учинчи вариантда эса 500 г/м^2 хўл биомассани ташкил қилди. Кундалик ўсиш даражаси 1-36,3%; 2-39,6%; 3-45,3% тажриба охирида эса 1- 265%; 2-290%; 3-320%; граммни ташкил қилди.

Пистия сув ўтининг оқова сувда ривожланиб биомассаси 420-540 г/м^2 гача ўсиши натижасида, оқова сувнинг таркиби кислород билан бойиб, оқова сувдаги сапрофит микроорганизмларга аэроб шароит яратиш бир қаторда минераллашган муҳитни тезлаштиради ва сувнинг тозаланиш даражасини яхшилайди. Ҳосил бўлган минерал моддаларни, пистия сув ўти ўзлаштириши натижасида унинг хосилдорлиги ортиб кўпаяди. Ўтказилган тажрибалар натижасида, яъни 10 кун ичида оқова сувларнинг физик-кимёвий таркиблари ўзгариб, биологик тозалаш натижасида сув 70-80% га тозаланди. Оқова сув рангсизланди, ўткир бадбой ҳиди йўқолди, сувда эриган кислороднинг миқдори - 4,8 мг/л га ошди, ХПК - 42,5 мг/л; БПК$_5$ - 13,3 мг/л гача камайди. Оқова сувнинг таркибидаги азот аммоний, нитрат ва нитритлар пистия сув

ўсимлигининг ривожланиши учун озуқа муҳити бўлиб ўзлаштирилди. Назорат вариантда оқова сувларда кузатилган кўрсаткичларнинг миқдори

2-жадвал

Биологик ҳовузларда ўстирилаётган Андижон шаҳар “Сув Оқова Тозалаш Иншооти” оқова сувга пистияни экилган (10 кундан) кейинги физик хоссаси ва кимёвий таркибининг ўзгариши

(лаборатория шароитида)

№	Тажрибалар тури	Кўрасаткичлар мг/л										
		Охирги пистиянинг биомассаси	pH	Ранги	Ҳиди, балл	нитрат	нитрит	Азот аммоний	ХПК	БПК$_5$	Қуруқ қолдиқ	Эриган кислород
1	Оқова сув 100 % пистия экилган	540	7,5	Рангсиз	Йўқ	-	-	-	42,5	13,3	30	4,8
2	Назорат пистиясиз	-	7,5	Жигарранг	5,0	12,5	1,03	5,2	58,5	22,7	39,5	1,8
3	Оқова сув 75 % ичимлик суви 25 % пистия экилган	490	7,5	Рангсиз	Йўқ	-	-	-	44,1	12	28,5	5,7
4	Назорат пистиясиз	-	7,5	Жигарранг	5,0	12,1	0,87	3,5	50,2	19,8	37,7	2,7
5	Оқова сув 50 % ичимлик суви 50 % пистия экилган	420	7,5	Рангсиз	Йўқ	-	-	-	43,3	11,5	26,2	6,8
6	Назорат пистиясиз	-	7,5	Жигарранг	4,0	12,5	0,69	2,9	49,1	16,2	34,5	3,8

юқори даражада. Пистия сув ўсимлигини ўсиб ривожланиши учун фақатгина оқова сув таркибида бўлган биоген элементлар ҳисобига эришилди, унга хеч қандай қўшимча минераллар берилмади.

“Сув Оқова Тозалаш Иншооти” биологик ҳовузлар ва тиндиргичларидаги оқова сувларда пистиянинг ўсиштиришни экологик ҳолати ва сувнинг физик кимёвий таркибини ўзгариши, олиб борилган лаборатория шароитидаги ўтказилган бир нечта тажрибалар натижаларига асосланиб чидамлилигига кўра яхши ўсиб ривожлангани ва кўп миқдорда етиштирилган озуқа муҳити оқова сувларга тўғри келганлигини, морфологик ўзгаришлар кузатилмаганлиги таҳлил қилинди.

3-жадвал

Андижон шаҳар “Сув Тозалаш Иншооти” биологик ҳовузлари ва тиндиргичларидаги оқова сувларда пистия сув ўсимлигини ўсиши ва ривожланиш динамикаси (*ишлаб чиқариш шароитида*)

№	Биологик ҳовузлар ва тиндиргичлар	Пистиянинг хўл биомассаси, г/1 м^2				
		Тажриба бошида	Кундалик ўсиши		10 кунлик биомасса миқдори	Жами биомассаси
		г	г	%	г	г
1	Биологик ҳовузлар+ пистия	250	45,5	25,2	380	665
2	Биринчи тиндиргич+ пистия	250	39,2	22,4	310	585
3	Иккинчи тиндиргич+ пистия	250	37,4	19,6	290	577
4	Учинчи тиндиргич+ пистия	250	35,6	17,8	275	550

Жадвалдаги тажриба натижалари шуни кўрсатадики, биологик ҳовузлардаги пистиянинг хосили иккинчи ва учинчи тиндиргичлардагига нисбатан ўсиш динамикаси юқори. Биологик ҳовуздаги оқова сувнинг таркибидаги органик иллар хамда минерал моддаларнинг миқдори иккинчи ва учинчи тиндиргичларга қараганда анча кўплиги сабабли пистиянинг яхши ўсиб ривожланишига сабаб бўлди.

Иншоот тиндиргичларида маълум даражада минераллашган оқова сувлар биологик ҳовузлардан кетма-кет ўтиши, биринчи, иккинчи ва учинчи тиндиргичлардан чиқиши, яъни пистия сув ўсимлиги орқали хосил бўлган

биологик фильтр натижасида оқова сувларни 70-80% гача тозаланишини қайд қилиш мумкин (3-расмда ҳавола келтирилган).

Олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, сув ўсимлиги пистиянинг ўсиб ривожланиши натижасида биологик ҳовузлар ва тиндиргичлардаги оқова сувларнинг тозалаш сифати жуда ҳам юқори даражада самара берган. Биологик ҳовузлар ва тиндиргичлардаги сув ўсимлиги пистиянинг ўсиши ноябр ойининг охиригача давом этади.

3-расм. Оқава сувларни биологик тозалашда биологик ҳовузлар ва тиндргичларда кўпайтирилган пистия кўчатлари *(ишлаб чиқариш шароитида)*

Ўша даврга̀ча пистиянинг зич бўлган қатлами вақти-вақти билан маълум даражада йиғиб олиниб бошқа қўшимча биологик тозалаш ҳовузларига кўчирилади. Сув ўсимлигининг яхши ўсиб ривожланиши учун оқова сув юзаси иложи борича бўш бўлиши лозим. Акс ҳолда, улар зичлашиб, ўсиши қийин даражага келади. Тадқиқотларнинг охирига қадар, яъни сув ўсимлигини совуқ уриб қуригунча, белгиланган вақтда биологик ҳовузлар ва тиндиргичлардаги чиқаётган оқова сувларнинг таркибидан намуналар олиб лабораторияда текшириб борилади (4-расмга қаранг).

4-расм. Андижон шаҳар “Сув Оқава Тозалаш Иншооти” объектида мавсуми пистиянинг ўсиш даражаси (биомасса 1кв/м^3)

Андижон шаҳар “Сув Оқова Тозалаш Иншооти” дан чиқадиган оқова сувлар сув ўсимлиги пистия орқали биологик тозалаш 2016-2019 йиллардан буён давом эттирилиб келинмоқда. Бу эса очиқ сув ҳавзаси Қорадарёни оргоно-минерал моддалардан ифлосланиш даражасини анча камайтиришга асос бўлади. Пистия сув ўсимлиги экологияси биофильтир вазифасини бажариши оқова сувларни биологик тозалаш технологиясини такомиллаштиришни асосини ташкил қилади (4-жадвалга қаранг)

Пистия (Pistia stratiotes L) сув ўсимлигини кимёвий токсикологиясини ўрганишлар натижасида, таркибида пестицитлар, нитратлар, нитритлар турли хил зарарли микроорганизмлар мавжуд эмаслиги аниқланди. Олиб борилган илмий изланишлар натижасида пистиянинг қуруқ биомассасини таркибини ўрганган ҳолда шуни айтиш жоизки, коммунал маиший оқова сувида ўстирилган пистия (Pistia stratiotes L) ни мавсумий совуқ туша бошлаган ноябр ойининг 15-20 санасига қадар биологик ҳовузлар ва тиндиргичлар оқова суви ҳавзаларидан йиғиштириб олиш ва қуриган пистиянинг биомассасидан қишлоқ хўжалиги экинларига биоўғит сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

4-жадвал

Андижон шаҳар “Сув Оқова Тозалаш Иншооти” биологик ҳовузлар ва тиндиргичлардаги оқова сувининг пистия эккандан *(1ойдан)* **кейинги физик-кимёвий таркиби** *(ишлаб чиқариш шароитида)*

Тажриба турлари	Кўрсаткичлар									
	pH	ранги	Ҳиди	Нитрат мг/л	Нитрит мг/л	Азот аммоний мг/л	БПК$_5$ мг/л	ХПК мг/л	Қуруқ қолдиқ мг/л	Кислород мг/л
Биологик ҳовузлардан чиқаётган оқова сувлар	7,5	рангсиз	Йуқ	-	-	-	8,5	29,5	22,8	8,5
Биринчи тиндиргичдан чиқаётган оқова сувлар	7,5	рангсиз	Йўқ	-	-	-	9,2	32,3	25,2	6,5
Иккинчи тиндиргичдан чиқаётган оқова сувлар	7,5	рангсиз	Йўқ	-	-	-	9,2	32,3	25,2	6,5
Учинчи тиндиргичдан чиқаётган оқова сувлар	7,5	рангсиз	Йўқ	-	-	-	9,2	32,3	25,2	6,5

ХУЛОСА

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган

“Коммунал маиший оқова сувларни биологик тозалаш технологиясини такомиллаштириш” (*Андижон шаҳри мисолида***)** мавзусидаги диссертатция бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйдагилар тақдим этилади.

1. Андижон шаҳар коммунал маиший оқова сувларини физик-кимёвий таркиби таҳлилларига кўра, унинг таркибидаги оргонолепдик моддалар билан ифлосланиш ҳолатлари юзага келиши анқланган;
2. Биологик тозалашда Пистия (*Pistia stratiotes L*) сув ўсимлиги оқова сув озуқа муҳитига мос эканлиги, олиб борилган илмий тадқиқот ишлари асосида ишлаб чиқаришга тавсия этилди;
3. Биологик тозалаш технологиясини такомиллаштириш натижасида оқова сув таркибидаги ранги, ҳиди, pH, нитратлар, нитритлар, аммоний, $БПК_5$, ХПК, ва қуруқ қолдиқларнинг миқдори камайиб, оргоно-минерал тозалашга эришлганлиги билан изоҳланган;
4. Пистия юксак сув ўсимлигини хўл биомассасини текшириш натижасида таркибида хеч қандай ҳавфли заҳарли касаллик тарқатувчи замбуруғлар, турли хил зарарли микроорганизмлар мавжуд эмаслиги ва оқова сувга экилган пистия миқдорининг биомассаси таркибидаги элементлар заҳарли эмаслиги ва унинг қуритилган ҳолатида қишлоқ хўжалиги ерларига табиий ўғит сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади;
5. Коммунал-маиший оқова сувларни “Сув Тозалаш Иншоотига” кириш ва чиқиш ҳолатлари таҳлил қилинди ва ишлаб чиқариш шароитига биологик тозалаш технологиясини республикамизнинг бошқа худудлари учун хам мос эканлиги билан изоҳланади.
6. Коммунал маиший оқова сувларни биологик тозалаш самараси 70-80 фоизни ташкил этиб, капитал ҳаражатларни тежаш 1.498.500 сўмни ҳамда электр энергиясини тежаш бўйича 5.472.000 сўмни, оқова сувни зарарсизлантиришда қўлланиладиган хлор моддасини тежаган ҳолда эса 7.290.000 сўм, жаъми йилига 14.260.500 сўмни ташкил этиб иқтисодий самарадорликка эришилди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 02/30.12.2019.B.79.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК

КАРАКАЛПАКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК

КУЧКАРОВА ЧУЛПОНОЙ ХАБИБУЛЛАЕВНА

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ БИОЛОГИЧЕСКОЙ ОЧИСТКИ КОММУНАЛЬНО-БЫТОВЫХ ВОД (на примере города Андижан)

03.00.10 – Экология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Нукус –2020

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2019.2.PhD/B344.

Диссертация выполнена в Андижанском машиностроительном институте.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета www.aknuk.uz и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Исмоилходжоджаев Баходиржоджа Шарипович**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Тожибаев Кўлдашали Тожибоевич**
Доктор биологических наук, профессор

Матжанова Холида Казакбаевна
Кандидат биологических наук

Ведущая организация: **Гулистанский государственный университет.**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2020 года в «____» часов на заседании Научного Совета PhD 02/30.12.2019.B.79.01. при Каракалпакском научно-исследовательском институте естественных наук. Адрес: 230100, г. Нукус, проспект Бердаха, 41 (Здание Каракалпакского научно-исследовательского института естественных наук, 3-й этаж). Тел.: (+99861) 222-17-44.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского научно-исследовательского института естественных наук. (зарегистрировано под №_____). Адрес: 230100, г. Нукус, проспект Бердаха, 41. Тел.: (+99861) 222-17-44, e-mail: info@aknuk.uz.

Автореферат диссертации разослан: «____»_____2020 г.
(Реестр протокола рассылки №_____ от «_____»_____2020).

Аимбетов Нагмет Каллиевич
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, академик

Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор (PhD) биологических наук

Тлеумуратова Бибигуль Сарыбаевна
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире проблемы устойчивости и постоянства биологических систем решаются научными, экономическими и политическими путями. Это в свою очередь вызывает важность улучшения экологической ситуации, обогащение биооразнообразия, рационального использования природных ресурсов. В результате рационального использования воды и повторного использования сточных вод, для расхода воды необходимость использование высших водных растений для очистки от различных органических веществ и уменьшения загрязнений приобретает теоретическое и практическое значение.

В мире проводятся многочисленные научные исследования по разработке методологии диагностики состояния загрязняющих органических веществ в водоемах и их очистки, использование высших водных растений в качестве основных компонентов, наличие видов природных и антропогенных экосистем и выявлению присутствия фактора определения их деятельности. В этом направлении выязывает необходимость определение роста и развития высших водных растений в среде сточных водах, разработка мероприятий по оценке состояния природной среды, а также проведения экологического мониторинга.

В республике на основе проведенных программных мероприятий по сохранению биоразнообразия природных водоемов и устойчивому развитию были достигуты важные результаты по рациональному использованию водных рресурсов и сохранению биоразнообразия природных водоемов в Андижанскос видояте. В Стратегии действий по дальнепйшему развитию Республики Узбекистан поставлены определенные задачи по “...созданию эффективных механизмов внедрения в практику научных и инновационных достижений”. Исходя из вышеизложенных задач, использование современных методов биологической очистки коммунально-бытовых сточных вод, природных и антропогенных изменений, разработка эффективных методов экологии и охраны окружабющей среды с целью уменьшения загрязнения открытых водоемов имеет большое научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»[1], а также Постановлением Президента от 20 апреля 2017 года ПП-2910 «О Программе комплексного

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғриси” ги Фармони

развития и модернизации систем питьевого водоснабжения и канализации на 2017-2021 годы», а также а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетных направлений развития наука и технологий в республике VIII. «Наука о Земле» и V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и зашита окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Одним из ключевых способов обеспечения наилучшего охраны и использования водных ресурсов является улучшение биологической очистки сточных вод от отходов промышленных предприятий, сельскохозяйственного производства и коммунальных служб. Исследования по улучшению биологической очистки воды проводятся в ведущих научных центрах и университетах мира, в том числе в Университете Британской Колумбии (США), в Институте экологических наук (Австралия), в Институте экологических наук и исследований-ESR (Новая Зеландия), в Университете Бергише Gesamthochshule, внедряется в Вуппертале[2] (Германия).

